

Ўзбекистонда Аёлларнинг Инсон Капиталини Ривожлантиришда Краудфандинг Платформасини Қўллаш Имкониятлари

Бозорова Сахобат Абдужапаровна¹

Аннотация: Мақолада Ўзбекистонда аёлларнинг инсон капиталини ривожлантиришда краудфандинг платформасини қўллаш имкониятлари ўрганилган бўлиб шунингдек, Ўзбекистондаги таълим муассасаларида таҳсил олувчилар ўртасида аёллар улуши, Ўзбекистонда ишсизлар ўртасида гендер тафовут, Ўзбекистонда аёллар раҳбарлик қилаётган соҳалар, Саноатнинг турли соҳаларида аёллар раҳбарлик қилаётган тадбиркорлик турлари ўрганилган.

Калим сўзлар: краудфандинг, платформа, инсон капитали, таълим, гендр тафовут, ишсизлик, «аёллар дафтари», аёл раҳбарлар.

Кириш

Инсон ва унинг қобилияtlари, билим, малакаси ҳар қандай жамият фаровонлиги ва давлат иқтисодий тараққиётининг асосий омилига айланган бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам инсон капитали, шубҳасиз, ижтимоий иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналиши сифатида намоён бўлмоқда. Чунки инсон капиталини ривожлантириш – инновацион иқтисодиёт, билимлар иқтисодиёти, инвестициялар, глобал ахборот тизимлари, энг янги технологиялар ва бизнеснинг янги шаклларини ривожлантиришнинг зарур шарти саналади. Инсон потенциалини ташкил этувчи турли хусусиятлар ичида, инсон капитали айнан даромадларнинг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи хусусиятларни ифодалайди, шу жиҳатдан инсон капитали ишчининг маҳсус таълим, касб-хунарга тайёрлаш ва ишлаб чиқариш тажрибаси асосида тўпланган билимлари, уларни амалда қўллаши ва маҳоратини ўз ичига олади.

Дарҳакиқат, кейинги йилларда Ўзбекистонда инсон капиталини ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсишли таъминлаш ва халққа муносаб турмуш тарзини яратиб беришга кун тартибидаги асосий масала сифатида қаралмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармонида “Мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлиги даражасини ва инновацион жиҳатдан тараққий этганини белгиловчи асосий омил сифатида инсон капиталини ривожлантириш – стратегиянинг бош мақсадидир”¹, деб белгилаб берилди.

Шу билан бирга, 2019 йилнинг май ойида илм-фан ва олий таълим соҳасини ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар ижросига бағищланган йигилишда Президентимиз мазкур соҳага оид давлат дастурларини шакллантириш ва марказлашган тартибда молиялаштириш орқали илм-фанни тубдан ривожлантириш, юксак натижадорликка йўналтирилган ихтисосликлар бўйича миллий лабораториялар тизимини яратиш, илмий ишланмаларни тижоратлаштириш, халқаро рейтингларда мамлакатимиз фани нуфузини кўтариш бўйича фикр юритар экан, “...Бу ишлардан асосий мақсад мамлакатимизда инсон капиталини ривожлантириш, хом ашё ва уни қайта ишлаш билан узоққа бориб бўлмайди, қолаверса, ишлаб чиқаришда қўшимча қиймат олиш учун

¹ Тошкент давлат иқтисодиёт университети. Инсон ресурсларини бошқарши кафедраси PhD



ҳам инновациялар керак. Шу боис илм-фан тараққиётимизнинг муҳим йўналиши, таянчи бўлади”², – деб таъкидлаб ўтди.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Инсон капиталининг назарий ва методологик асослари кўплаб маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан ўрганилган. Муаммони ўрганишга катта ҳисса қўшган С.П. Вигурская, А.И. Добринин, С.А. Дятлов, И.В. Ильинский, М.А. Казарян, Р.И. Капелюшников, А.П. Колядин, Б.В. Корнеичук, Ю.А. Корчагин, А.В. Коритский, М.М. Критский, С.А. Курганский, О.В. Лосев, В.И. Мартсинкевич, Л.Г. Симкина, В.Г. Смирнов, И.В. Соболева, И.В. Скоблякова, С.Г. Струмилин, Т.Л. Судова, Г.Н. Тугускин, К.А. Устинова, Т.Р. Ханнанова, Э.Д. Тайренова, О.С. Чечина, Т.А. Штерзер, М.А. Шчебратых, А. Смит, Д. Рисардо, К. Маркс, М. А. Армстронг, Г. Беккер, Ж. Бен-Порат, М. Блауг, Г. Боуен, А. Брукинг, Ж. Бун, Э. Денисон, Д. В. Жогенсон, Р. Дорнбусч, Р. Лукас, П. Роҳмер, М. Варнер, W. Петтӣ, Л. Валрас, Ж. Кендриск, Д. Литие, Г.Д. McLeod, Ж. Милл, Ж. Минсер, А. Маршалл, Ф. Мачлуп, Р. Солов, Т. Стюарт, Ф.В. Тейлор Л.Тюров, Ж.фон Тунен, Т.Уитштейн, И.Фишер, В.Фар, Ж.Хикс, Л.Хендрикс, А.Флиастер, Т.Шултс, Л.Эдвидсон, Л.Фраумени ва бошқа олимларнинг тадқиқотлари дикқатга сазовордир³.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ҳам Қ.Х.Абдурахмонов, А.Ўлмасов, А.Ваҳобов, М.Сайдов, И.А.Бакиева, М.Қ.Пардаев, Б.А.Абдукаримов, К.Сайдов, М.Мухаммедов, Д.Асланова, Р.Сейтмурадов, С.Исхаковалар томонидан илмий изланишлар олиб борилиб, олимлар ўз тадқиқотларида инсон капитали мазмун моҳияти ёритиб беришган⁴.

Инсон капитали тушунчасини кўплаб хорижий ва маҳаллий олимлар ўз тадқиқотларида ўрганганлар. Биринчи марта 1961 йилда бу иборани америкалик Теодор Шулц ишлатган ва унинг издоши Г. Беккер 1965 йилдан бўён инсон капиталига қўйилмалар самарадорлигини асослаб, инсон хулқ-авторига иқтисодий ёндашувни шакллантирган ҳолда бу ғояни ишлаб чиқган. Инсон капитали назарияси асосларини яратгани учун улар иқтисод бўйича Нобел мукофотлари билан тақдирланганлар (1979 йилда Теодор Шулцга, 1992 йилда Г. Беккера). Теодор Шулц инсон капитали назарияси ривожланишининг дастлабки босқичи шаклланишига, унинг илмий жамоатчилик томонидан қабул қилиниши ва оммалашишига улкан ҳисса қўшди. У биринчилардан бўлиб ишлаб чиқариш омили сифатида инсон капитали тушунчасини киритди. Ва у инсон капиталининг саноат ва постиндустриал иқтисодиётнинг асосий двигатели ва пойдевори сифатидаги ролини тушуниш учун жуда кўп иш қилди⁵.

Бизнингфикризча, **инсон капитали** –бу шахснинг номоддий бойлиги бўлиб, қонунда таъқиқланмаган фаолият билан шуғулланишида фойдаланиши мумкин бўлган, ўзига (эгасига) даромад (фойда) келтирувчи, генетик ва ўзлаштирилган, ижобий сифат ва миқдор хусусиятларига эга бўлган барча компонентлар мажмуасидир.

Тадқиқот методологияси

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг маълумотномалари ва бошқа тегишли норматив-ҳуқуқий хужжатлар ҳисобланади.

Тадқиқотда тизимли таҳлил, қиёсий таҳлил, макроиқтисодий таҳлил, гуруҳлаш,

² Ш.М. Мирзиёев “Илм-фан ва олий таълим соҳасини ривожлантириш” бўйича белгиланган вазифалар ижросига бағишлиланган иғилиши. 2019 йил 28 май

³ Дорофеев А.Ф. Развитие человеческого капитала в аграрном секторе России. Диссертация на соискание ученой степени доктора экономических наук. Белгород. 2018 г. - 404 стр.

⁴ Шарипов М.Л., Кошанова Н.М. Инсон капитали моҳияти, унинг давлат ва жамият тараққиётидаги аҳамияти. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 4 | 2021 ISSN: 2181-1385 Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723 DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00728 Academic Research, Uzbekistan 1259 www.ares.uz

⁵ Навруз-Зода Б.Н., Шомиев Г.У. Исторические предпосылки развития теории человеческого капитала. Academy № 11 (14), Россия, Москва, 2016, ст.19.



эксперимент, декомпозиция, адаптив усуллар, инновацион ва интеграцион ёндашувлар, Ўзбекистонд аёлларнинг инсон капиталини ривожлантиришда краудфандинг платформасини кўллаш имкониятларини аниқлашда фойдаланилади.

Таҳлил ва натижалар

Инсон капиталини ривожлантириш – бир кунлик иш эмас. Мазкур миссия комплекс ёндашув ҳамда узоқ муддатли, муҳими, аниқ йўналтирилган чора-тадбирларни талаб қиласди. Бу борада тайёр ечимлар йўқ. Ҳар қайси мамлакат ўз йўли ва йўналишини мустақил тарзда белгилаб олмоғи даркор. Шу нуқтаи назардан бугунги кунда Ўзбекистонда аёллар билан манзилли ишлаш механизми жорий қилинмоқда. Унга кўра, хотин-қизлар инсон капиталини ривожлантириш муаммолари ўрганилиб, тизимли ҳал қилиниши керак. Бугунги кунда барча маълумотлар “Аёллар дафтари” деб номланувчи маҳсус идоралараро электрон базаларда жамланиб, таҳлил қилинади ва назоратга олинади. “Аёллар дафтари” моҳияттан ахолининг ёрдамга муҳтоҷ қатламларини таълим, соғлиқни-сақлаш, уй-жой ва бандлик масалаларига қаратилган чора-тадбирлар комплексини ифода этади.

“Аёллар дафтари”да қайд этилганларнинг 59 фоизини ишсиз, 8,5 фоизини бокувчисини йўқотган, 6,7 фоизини ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ I ва II гуруҳ ногиронлиги бор аёллар ташкил қиласди. Бундан ташқари, 5,4 фоизи хукуқий ёрдамга, 1 фоизи уй-жойини таъмирлашга муҳтоҷ экани, 2,1 фоизи нотурар жойларда истиқомат қилаётгани, 1,9 фоизи бир ва ундан ортиқ ногирон фарзандни ёлғиз тарбиялаётгани аниқланган. Шунингдек, ҳозирги кунда 44 минг нафардан зиёд аёллар тиббий ҳимояга, 36 минг 394 нафари эса касб-хунар ўрганишга муҳтоҷ. Қолаверса, хотин-қизларининг 27,6 фоизи тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ёки ривожлантириш учун кредит олишда ёрдам сўраган. Республикада тадбиркор аёллар улушини янада ошириш, улар учун қулай бизнес муҳитини яратиш республикамизда аёллар инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларнинг асосий мақсади ҳисобланади. Зоро, бу йўлдаги мақсадли чора-тадбирлар пировардида ҳалқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қиласди.

Инсон капиталини ривожлантиришнинг гендер жиҳатларини ўрганиш нафақат илмий, балки амалий аҳамиятга эга, чунки у таълимни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиши ва умуман ижтимоий-иқтисодий сиёсатда эътиборга олиниши керак бўлган муаммолар ва тенденцияларни кўриш имконини беради. Ўзбекистонда 2020-2021-йўкув йилларида таълим муассасаларида таҳсил олувчилик ўртасидаги гендер тенглик жиҳатларини қуидаги жадвал орқали кўришимиз мумкин (1-жадвал):

1-жадвал

Ўзбекистондаги таълим муассасаларида таҳсил олувчилик ўртасида аёллар улуси⁶

Кўрсаткичлар (2020-2021)	Жами	Эркаклар	Аёллар	Аёллар улуси, %да
Коллеж талабалари	95216	11720	83496	87,7
Академик лицей талабалари	19820	12296	7524	37,9
ОТМ талабалари сони	571512	311486	260026	45,5
Таянч докторантурада таҳсил олувчилик	3880	2525	1355	34,9

Юқоридаги жадвал орқали маълум бўладики, Ўзбекистондаги таълим муассасаларида таҳсил олувчилик ўртасида эркакларга нисбатан аёллар улуси камроқ. Масалан, академик лицейда


⁶ Ўзбекистон Давлат статистика кўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/social-protection-2>



аёл талабалар улуши 37,9 фозни ташкил этган бўлса, ОТМларда таҳсил олувчилар ўртасида аёллар улуши 45.5 фоизга етган. Таянч докторантура босқичида эса бу қўрсаткич 34.9 фоизни ташкил этмоқда. Фақатгина коллежларда таҳсил олувчи аёллар сони эркакларга нисбатан 71776 кишига кўп бўлиб, бу 87.7 фоизни ташкил этади. Демак, бундан холоса қилиш мумкинки, республикамизда қизлар маълум бир соҳада олий маълумотли бўлишдан кўра касб-хунарга ўқишнинг ўзи билан чекланишмоқда.

Статистик маълумотларга қараганда, 2022 йил якунида Ўзбекистонда жами аёллар сони 17527137 кишини ташкил этиб, шундан меҳнатга лаёқатли ёшдагилари сони 9968571 кишини ташкил этади.⁷

Ўзбекистонда 2018 йилдан бери ишсизлик даражасидаги гендер тафовути сезиларли даражада ошди, 2021 йилда аёлларнинг ишсизлик даражаси эркакларнидан деярли икки баравар кўп (1-расм).



1-расм. Ўзбекистонда ишсизлар ўртасида гендер тафовут⁸

Аёллар инсон капиталини ривожлантириш ва уларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш мамлакатимизда устувор вазифалардан ҳисобланиб, 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси ишлаб чиқилган. Унга кўра, сўнгги йилларда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эришиш, жамият ва давлат ишларини бошқаришда уларнинг тенг иштирок этишини таъминлаш, хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Гендер тенглик масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, соҳага оид 25 та қонунчилик хужжати қабул қилинди.

Гендер стратегияси доирасида гендер тенглик тушунчаси жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, маданият, таълим, илм-фан, спорт муносабатларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳуқуқ ҳамда имкониятларининг тенглигини англатади.

Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси ташкил этилди.

⁷ Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/demography-2>


⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги статистика агентилини маълумотлари



Ўзбекистон тарихида илк маротаба парламентда хотин-қизлар сони БМТ томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етиб, парламентдаги хотин-қизлар сони қарийб 32 фоизга етди ва дунёдаги 190 та парламент орасида 37-ўринга кўтарили.

Давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 300 нафардан ортиқ, шу жумладан вазирлик ва идораларда 45 нафар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳамда Вазирлар Маҳкамасида 39 нафар, маҳаллий давлат хокимияти органларида 207 нафар аёл раҳбарлик лавозимларида фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига 2019 йилда бўлиб ўтган сайловларда рўйхатдан ўтган 21 435 000 нафар сайловчининг қарийб 50 фоизи ёки 10 825 641 нафари хотин-қизлардир. Ушбу сайловларда кўрсатилган номзодларнинг 41 фоизи хотин-қизлар бўлиб хисобланади.



2-расм. Ўзбекистонда аёллар раҳбарлик қилаётган соҳалар⁹

Мамлакатимизда бошқарув лавозимида хотин-қизлар улуси 27 фоизга, партияларда 44 фоизга, олий таълимда 40 фоизга, тадбиркорликда 35 фоизга етди (2-расм).

Маълумки, хотин-қизларнинг хуқуқ ва манфаатларини химоя қилиш, инсон капиталини ривожлантириш, саломатлигини мустаҳкамлаш ва энг муҳими, улар учун муносаб турмуш шароитини яратиш ижтимоий соҳанинг муҳим йўналишларидандир. Мамлакатимизда хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш яъни тадбиркорлигини қўллаб-кувватлаш мақсадида 19 ноябр Аёллар тадбиркорлиги куни сифатида нишонланади. Шунингдек, 2021 йил 24 апрелда “Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун яратилган шарт-шароитлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарори тасдиқланди.


2021 йилда мамлакатимизда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш мақсадида 224 мингдан ортиқ хотин-қизга жами 6,9 трлн сўм микдорида имтиёзли кредит ажратилди.¹⁰

Аёллар инсон капиталини ривожлантириш доирасида мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар халқаро рейтинглардаги мамлакатимиз ўрнига ижобий таъсир кўрсатиб, Жаҳон банкининг Аёллар, бизнес ва қонун индексида Ўзбекистон Республикаси 2020 йилда хотин-қизлар хуқуqlари ва гендер тенглик бўйича аҳамиятга молик ислоҳотларни амалга оширган 27 та давлат қаторига киритилди ва 5 поғонага юқорилаб, 190 та давлат орасида 134-ўринни эгаллади.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарори, 28.05.2021 йилдаги СҚ-297-IV-сон

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарори, 28.05.2021 йилдаги СҚ-297-IV-сон






3-расм. Саноатнинг турли соҳаларида аёллар раҳбарлик қилаётган тадбиркорлик турлари¹¹

Аёллар тадбиркорлиги бўйича таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2021-йилда кичик корхона ва микрофирмаларга раҳбарлик қилган аёллар саноат соҳасининг энг кўпи кийим-кечак ва тўқимачилик йўналишида 1836 нафар ёки жами саноатда раҳбарлик қилаётган аёл тадбиркорларнинг 33.1 фоизи, озиқ-овқат саноатида 1761 нафар ёки 31.8 фоизи, бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш саноатида 410 нафар ёки 7.4 фоизи, машина ва ускуналардан ташкари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш саноатида 198 нафар ёки 3.6 фоизини ҳамда мебел ишлаб чиқариш саноатида 192 нафар ёки 3,5 % ни ташкил этди (3-4-расмлар).

2021 йилда фаолият кўрсатган тадбиркор аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микрофирмалар сони 36475 тани (ёки жамига нисбатан 11,3%) ташкил этди. Худудлар бўйича энг кўпи Тошкент шахри (9764 та), Тошкент вилояти (4760 та), Самарқанд вилояти (2974 та) ва Навоий вилояти (2544 та) ҳиссаларига тўғри келмоқда.¹²



¹¹ Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси маълумотлари: <https://stat.uz/uz/matbuot-markazi/qo-mita-yangiliklar/32925-ayollar-rahbarligidagi-kichik-tadbirkorlik-subyektlarining-asosiy-ko-rsatkichlari>

¹² Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси маълумотлари: <https://stat.uz/uz/matbuot-markazi/qo-mita-yangiliklar/24153-tadbirkor-ayollar-qaysi-hududda-ko-proq-faoliyat-olib-borishini-bilasizmi>



4-расм. Аёллар раҳбарлик қилаётган тадбиркорлик турлари, фоизда¹³

Таъкидлаш жоизки, тадбиркорлик соҳасида гендер тенглигига эришиш ва аёллар хукуқларини кенгайтириш 2015 йилда жаҳон етакчилари томонидан қабул қилинган 17та Барқарор ривожланиш мақсадларининг ҳам ажралмас қисмидир. БМТТД аёлларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш ва гендер тенглигини таъминлашда савдонинг аҳамиятини эътироф этади. Савдо, айниқса, хотин-қизлар ҳаётини яхшилаш, янги иш ўринларини яратиш, истеъмолчиларнинг танловини кенгайтириш имкониятини беради. Чунки, аёллар ва қизларнинг барча мақсадларда хукуқларларни таъминлаш орқалигина адолат ва инклузивликка, ҳамма учун ишлашдиган иқтисодиётга ва фаровон ижтимоий ҳаётга эришиш мумкин. Аёллар тадбиркорлиги ва бизнес фаолиятини ривожлантириш учун краудфандинг платформаси лойиҳаларни молиялаштиришда маблағларни жалб қилиш учун қўшимча восита сифатида қаралиши мумкин. Чунки, краудфандинг – бу турли шахсий хайриялар тўплами, бу усул пул йиғиш учун ўз веб-сайтини яратиш имкониятига эга бўлмаганлар учун ҳам мос келади. Краудфандинг платформаси орқали инвесторлар яъни хомийлар электрон рўйхатдан ўтадилар ва тўловларни амалга оширадилар. Краудфандингнинг маблағ йиғиш фаолиятининг бошқа усусларидан афзаллиги молиявий жараёнларнинг шаффофлиги ва самарадорлиги бўлиб, бу нафақат жисмоний шахсларни, балки ташкилотларни ҳам жалб қиласди.

Ўзбекистонда турли хил краудфандинг платформалари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзининг афзалликлари ва камчиликларига эга. Ўзбекистонги кириб келган машхур платформалардан бири бу CrowdRise платформасидир. CrowdRise глобал краудфандинг платформаси бўлиб, у одамларга турли мақсадларда, жумладан, стартапни ривожлантириш, маҳсулот ишлаб чиқиш ва бошқалар учун пул тўплаш имконини беради. CrowdRise фойдаланувчилар учун қулай платформани таклиф этади, жумладан, молиялаштириш манбалари, венчур капиталистлари ва бошқалар. Бундан ташқари, CrowdRise стартапларга пул тўплашда ёрдам беришда ишончли платформа ҳисобланиб, бу платформа лойиҳа муаллифлари ва инвесторлар учун ҳам қулай имкониятларга эга.

Ўзбекистонда яна бир машхур краудфандинг платформаси Indiegogo платформасидир. Indiegogo – глобал краудфандинг платформаси бўлиб, фойдаланувчиларга турли мақсадларда, жумладан, маҳсулот ишлаб чиқиш, стартапни ривожлантириш ва бошқалар учун пул тўплаш имконини беради.

Шунингдек, Kickstarter краудфандинг платформаси фойдаланиш учун қулай интерфейсни тақдим этади ва кўплаб функциялар мавжуд. Мисол учун, Kickstarter фойдаланувчиларга бошқа платформаларга қараганда кенгрок аудитория кўриши мумкин бўлган инвестор кампанияларни жалб қилишга имкон беради.

Жаҳон миқёсида эса Kickstarter ва Indiegogo каби краудфундинг веб-сайтлари лойиҳалари учун сармоя киритишга умид қилаётган юз минглаб одамларни жалб қиласди. 2019 йилдан бошлаб, сроудфундинг платформалари орасида Kickstarter машхурликка чиқиб олди, чунки бу энг катта каундфундинг платформаси. Kickstarter 2009 йилда ташкил этилганидан бери сайт 160,000 дан ортиқ лойиҳаларни молиялаштирди, уларнинг барча лойиҳаларида 4,2 миллиард доллардан ортиқ маблағ ажратилган. Indiegogo дастлаб краудфундинг сайтидан бошланиб, дастлаб мустақил фильмлар учун пул тўплашга қаратилган эди, аммо 2007 йилда ишга туширилганидан бир йил ўтиб ҳар қандай тоифадаги лойиҳаларни қабул қила бошлади.

Indiegogo Kickstarter га қараганда мослашувчан платформа сифатида қаралади, чунки у қўллаб-қувватловчиларга мослашувчан моделларни бошқариш имкониятини беради. Яъни, бу

¹³ <https://stat.uz/uz/matbuot-markazi/qo-mita-yangiliklar/32925-ayollar-rahbarligidagi-kichik-tadbirkorlik-subyektlarining-asosiy-ko-rsatkichklari> сайти маълумотлари асосида тузилди



иккала краудфундинг платформалари орасидаги энг мухим фарқ. Kickstarter инвестор кампанияни молиялаштириш мақсадига эришганидан кейингина ошкор қиласы, Indiegogo эса кампанияни молиялаштириш имконияттың күра ракобатлашишиларига имконият беради.

Энг яхши краудфандинг платформалари паст түловларни, потенциал инвесторларнинг катта аудиториясини таклиф қиласы ва турли кампаниялар ва ҳаттоғи жисмоний шахсларнинг молиялаштириш имконини беради. Шунингдек, улар бошланғич кредитлар билан рақобатбардош бўлган ставкаларни таклиф қилишади ва турли хил потентсиал лойиҳаларни намойиш этадилар. Ва ниҳоят, улар лойиҳаларни молиялаштириш мақсадларига эришишда ёрдам бериш тажрибасига эга. Кичик корхоналар ҳам жамиятга фойдали бўлган лойиҳалари эвазига краудфандинг орқали пул тўплашлари мумкин. Стартаплар ва кўпроқ янги ташкил этилган компаниялар янги мижозларни жалб қилиш билан бирга Интернетда маблағ тўплашлари мумкин.

Шуни таъкидлаш жоизки, краудфандинг – компаниялар капиталлашувини ошириш инновацион технологияси ҳисобланади. Краудфандинг технологияси лойиҳани амалга ошириш учун кенг доирадаги одам(инвестор)ларнинг маблағларини жалб қилишга асосланган. Уларда қизикиш уйғотган ғоя муаллифларини қўллаб-қувватлаш учун пул ёки бошқа манбаларни ихтиёрий равишда бирлаштирадилар. Интернет коммуникациялари бундай краудфандингни ташкил қилиш учун идеал майдон эканлиги исботланган. Ушбу самарали технология пайдо бўлиши туфайли бизнес нафақат инвестиция лойиҳаларига пул маблағлари жалб қилиш, балки уларни илгари суриш имконияттың ҳам эга бўлади. Шу сабабдан, аёллар инсон капиталини ривожлантириш ва тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашда энг шаффоф ва адолатли жараён сифатида краудфандинг платформалари тан олинмоқда.

Краудфандинг платформасидан фойдаланишда қоида тариқасида краудфандинг лойиҳаси учун инвестицияларнинг маълум бир тугаш санаси белгиланади. Муаллиф шу вақт ичида тўпланиши керак бўлган микдордаги маблағни ҳам кўрсатади. Бу орқали, инвестор ўз маблағларини қаерга ва қанча микдорда кетаётганлигини кўриб туради. Бунинг эвазига улар келажакдаги фойданинг бир қисмини ёки жами киритган инвестициясини олади. Баъзи лойиҳалар хайр-эҳсон кўринишида бўлиши ҳам мумкин.

Одатда стартапни бошлаш ҳақида гап кетганда краудфандинг платформаси ишлатилади. Краудфандинг атамаси 2006 йилда пайдо бўлиб, унинг муаллифи журналист Жефф Хоу ҳисобланади. Краудфандинг платформаси орқали лойиҳаларни молиялаштириш дастлаб мусиқа соҳасида амалга оширилган бўлсада, унинг содалиги ва самарадорлиги ушбу технологияни бошқа соҳаларда, жумладан стартапларни молиялаштиришда кенг қўлланилишига туртки берди.


Ўзбекистонда краудфандинг технологиясидан фойдаланишда лойиҳани қўллаб-қувватловчилар у ёки бу фойда олишларини ёки унга бепул сармоя киритишни кутишлари мумкин. Таъсисчининг улар билан қандай келишувига қараб, краудфандингнинг бир қанча асосий турлари мавжуд, улар қуйидагилар:

1. Хайр-эҳсонлар ёки донателар асосида (Donation based Crowdfunding) – ушбу турдаги маблағ фақат нотижорат ва шаҳсий лойиҳалар учун мўлжалланган;
2. Ҳақ эвазига (Rewards based Crowdfunding) – лойиҳа иштирокчилари қимматбаҳо совғаларни олишади, сотишдан олдинги босқичдаги келишувга асосан;
3. Қарз капиталини жалб қилиш билан (Debt based Crowdfunding) – лойиҳа фойдасининиг фоизида қайтариб бериш эвазига сармоялар киритилади;
4. Акция эвазига (Equity based Crowdfunding) – лойиҳадаги улуш эвазига пул маблағи.

Юқоридаги маълумотларга асосланадиган бўлсак, оммавий молиялаштиришнинг бир нечта шакллари мавжуд, жумладан, мукофотга асосланган краудфандинг, капиталга асосланган краудфандинг, хайрияга асосланган краудфандинг ва кредитга асосланган краудфандинг (Агравал ва бошқ., 2014; Беллефламме ва бошқ., 2013). Мукофотга асосланган краудфандинг тадбиркорлик



учун маблағ йиғиши учун энг машхур канал сифатида кўрилади; бу эрда молиячилар ўз ҳиссалари эвазига пул бўлмаган имтиёзларга эга бўлишади, шу билан бирга кампаниянинг ваъдаларини бажармаслик хавфини қабул қилишади (Шнеор & Муним, 2019). Акцияларга асосланган краудфандинг - бу инвесторлар тадбиркорга корхонадаги улуш эвазига молиявий ёрдам кўрсатадиган молиялаштириш туридир (Эстрин ва бошқ., 2018). Хайрияга асосланган краудфандинг кўп сонли шахсларнинг, одатда интернет орқали ташқи инвестицияларга очиқ чақирувини тасвиirlайди (Лиу ва бошқ., 2018). Кредитга асосланган краудфандинг, шунингдек, P2P кредитлаш деб ҳам аталади, бу қарзни молиялаштиришнинг яна бир тури бўлиб, бу орқали инвесторлар тадбиркорларга маълум фоиз ставкасида қарз берадилар (Агравал ва бошқ., 2014; Кгороеагира ва бошқ., 2019). Кўпинча тадбиркорлик соҳаси билан боғлиқ бўлмаган лойиҳаларни краудфандинг платформаларида молиялаштиришни афзал кўрмайдилар (Валтхофф-Борм ва бошқ., 2018). Шундай қилиб, акциядорлик краудфандинг кичик инвесторлар томонидан тадбиркорликни молиялаштиришни ўрганиш учун энг эмпирик тарзда краудфандинг тури ҳисобланади (Ахлерс ва бошқ., 2015).



5-расм. Краудфандинг орқали жалб қилинган маблағларни ишга туширишнинг асосий стартап йўналишлари¹⁴

Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнес учун краудфандинг платформаси орқали пул маблағлари йиғишида етакчилик қилган соҳалар озиқ-овқат ва ичимликлар, дори-дармон, саломатлик ва гўзаллик, транспорт ҳамда спорт соҳасидаги лойиҳалари бўлиб, буни қўйидаги график орқали кўришимиз мумкин (5-расм):

Юқоридаги маълумотларга қараганда, краудфандинг технологияси орқали жалб қилинган жами маблағларнинг 18 фоизи озиқ-овқат, 13 фоизи тиббиёт, 8 фоизи саломатлик ва гўзаллик, 6 фоизи спорт ва фитнес, 5 фоизи транспорт, ва медиа, 4 фоизи банклар ва инвестициялар ҳамда мобиль иловалар соҳасидаги стартап лойиҳалар учун йўналтирилган.

Маълумки, асосий мақсад краудфандинг платформаси орқали лойиҳалар учун пул йиғиши эмас балки, лойиҳаларни амалга ошириш, бу орқали краудфандинг бозорини ривожлантириш, соҳани давлат томонидан тартиба солиш ҳисобланади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, аёл тадбиркорлар анъанавий молиялаштириш бозорларида ноқулай ахволда. Краудфандинг платформаси орқали аёл тадбиркорлар эркаклар билан тенг микдорда молиялаштирилишини кўришимиз мумкин. Етакчи инвесторлар актсиядорлик

¹⁴ Мулайдинов Ф.М. – Кичик бизнес ва тадбиркорликда краудфандинг имкониятлари. «Academic research in educational sciences». 2021

краудфандинг бозорида аёл тадбиркорларнинг молиявий устунлигини оширса-да, кейинги ривожланиш босқичидаги корхоналарда бу устунлик заифлашади. Ушбу жараён тадбиркорнинг жинси капитал краудфандинг самарадорлигига таъсир қилишини кўрсатиб, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш учун хисса қўшади.

Хулоса

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, сўнгги йилларда краудфандинг машхурлик касб этди ва тадбиркорликни молиялаштиришнинг муҳим усулига айланба бошлади.

Краудфандинг - бу янги бизнес корхонасини молиялаштириш учун кўп сонли шахсларнинг оз микдордаги капиталларидан фойдаланишdir. Краудфундинг сармоядорлар ва ишбилармонларни бирлаштириш учун ижтимоий тармоқлар ва кўп микдордаги веб-сайтлар орқали одамларнинг кенг аудиторияларидан осонликча фойдаланишни амалга оширади, бу эса бизнес эгалари, компаниялар ва венчур капиталистларнинг анъанавий доирасидан ташқарида сармоядорлар пулинни кенгайтириб, тадбиркорликни кўпайтириши мумкин. Краудфундинг тадбиркорларга инвестиция қилиш учун пули бўлган ҳар бир кишидан юзлаб ёки миллионлаб маблағларни жалб қилиш имкониятини яратади.

Краудфандинг бошланғич капиталнинг муҳим манбаи бўлиб, Ўзбекистонда аёлларга янги бизнесни бошлаш учун зарур бўлган дастлабки пулни тўплаш имконини беради Анъанавий молиялаштириш йўллари билан таққослаганда, краудфандинг инвесторлари кўпинча кам профессионал инвестиция билимига эга бўлган янги инвесторлардир ва улар кўпинча риск ҳақида ўйламасдан, лойиха муаллифининг жинсига аҳамият бермаган ҳолда, балки молиявий бўлмаган мукофотлар олиш асосида қарор қабул қилишади. Шу сабабли, краудфандинг янги аёл тадбиркорлар учун ташқи молиялаштиришни олишнинг яхши вариантидир. Краудфундинг аёл тадбиркорларга қўшимча фойда келтириши мумкин. Масалан, краудфандинг интернетдан фойдаланиш орқали мижозларни ҳам кейинчалик инвесторга айлантириши мумкин.

Замонавий дунё кундан-кунга ахборот коммуникация технологиялари ёрдамида шиддат билан ривожланиб бормоқда. Кундан кунга янги технологияларнинг пайдо бўлиши кичик бизнес ва тадбиркорликни янгича кўринишларини юзага келтирмоқда ва рақамли иқтисодиётни кенг кўлам ёзишига, жамиятни янада тараққий этишига кўмаклашиб келмоқда. Ана шундай технологиялардан бири бу – краудфундинг платформасидир. Чунки, краудфундинг платформалари туфайли кичик бизнес интернет орқали капиталга йўл топди. Шунингдек, молиявий ёрдам кўрсатишдан ташқари, краудфандинг технологияси муҳим ахборот механизми сифатида ишлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ш.М.Мирзиёев. “2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” Фармон. –Т. 2018 йил 21 сентябрь.
2. Ш.М. Мирзиёев “Илм-фан ва олий таълим соҳасини ривожлантириш” бўйича белгиланган вазифалар ижросига бағишлиган йиғилиши. 2019 йил 28 май
3. Дорофеев А.Ф. Развитие человеческого капитала в аграрном секторе России. Диссертация на соискание ученой степени доктора экономических наук. Белгород. 2018 г. - 404 стр.
4. Шарипов М.Л., Кошанова Н.М. Инсон капитали моҳияти, унинг давлат ва жамият тараққиётидаги аҳамияти. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 4 | 2021 ISSN: 2181-1385 Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723 DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00728 Academic Research, Uzbekistan 1259 www.ares.uz
5. Навруз-Зода Б.Н., Шомиев Г.У. Исторические предпосылки развития теории человеческого капитала. Academy № 11 (14), Россия, Москва, 2016, ст.19.
6. Мулайдинов Ф.М. – Кичик бизнес ва тадбиркорликда краудфундинг имкониятлари. «Academic research in educational sciences». 2021
7. , 76-80.

